

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2020 йил
16 октябрь,
жума
№ 39 (812)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЕР ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ САМАРАЛИ ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 октябрь куни давлат кадастрларини юриштириш янги тизимини самарали ташкил этиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ер ажратиш ва давлат кадастри соҳасида бир неча ўн йиллар мобайнида тизимли муаммолар тўпланиб қолгани сир эмас. Тартиб-интизом, ҳисоб-китоб бўлмагани сабабли минглаб гектар ерлар талон-тарож бўлиб кетган. Бу соҳадан аҳоли ҳам, тадбиркорлар ҳам норози эди.

Шу боис жорий йил 7 сентябрда "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда соҳани илгор тажриба асосида ислоҳ қилиш, янги бошқарув тизимини жорий этиш, ернинг ҳисобини тўлиқ юриштириш ва рақамлаштириш бўйича комплекс вазибалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилди. Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш вазифаси мазкур агентликка, ерлардан самарали фойдаланишни таъминлаш ва назорат қилиш функциялари Қишлоқ ҳўжалиги вазириликка ўтказилди.

Янги тизимга кўра, Кадастр агентлиги Солиқ кўмитаси таркибиде ташкил этилган. Чунки бу соҳада солиқ базасини кенгайтириш учун катта заҳира бор.

Мисол учун, яқинда Бўстонлик, Фуқат, Косон туманлари ва Урганч шаҳрида ўтказилган ўрганишларда жами 2 мингдан ортиқ кўчмас мулк объекти кадастр ва солиқ базаларида ҳисобга олинмагани аниқланган.

Шундай ҳолат ер майдонларида ҳам бор. Масалан, хатловлар натижасида 66 туманда 150

минг гектар кўшимча қишлоқ ҳўжалиги ерлари, шундан ҳисоботларга киритилмаган 28 минг гектар сўғориладиган экин майдони борлиги аён бўлган. Умуман, 113 туманда ер фонди тоифалари ва турларининг аниқ ҳисоб-китоби бўлмагани оқибатида кўплаб заҳиралар йўқотилмоқда.

Йиғилишда янги тизим асосида ишни ташкил этиш учун биринчи галда ер ҳисобини жойига қўйиб, тўлиқ шакллантириб олиш зарурлиги таъкидланди.

— Кадастр ва ер ҳисобини юритиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари эскирган. Улар мураккаб, тушунарсиз ёзилган. Бу эса коррупцияга йўл очиб берган. Бугун тизим тамомилан ўзгариши керак. Асосий мақсад ер ҳисобини аниқ юриштириш, бу борада адолатни таъминлашдир, — деди Президент.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар раҳбарларига барча қишлоқ ҳўжалиги туманлари бўйича ер кадастр ҳужжатларини тайёрлаб, Мил-

лий геоахборот тизимига киритиш юзасидан кўрсатма берилди. Энди ҳокимларнинг ер ажратиш тўғрисидаги қарорлари мазкур геоахборот тизимига киритилмагунча ҳақиқий ҳисобланмайди.

Шунингдек, Кадастр агентлиги билан солиқ идораларининг маълумотлар базасини бирлаштириб, фойдаланишдаги ер ва объекларни ҳисобга олиш ҳамда солиқларни шакллантириб бориш вазифаси қўйилди.

Бугунги кундаги ўрмон ҳўжалиги кадастри 1987 йилдан буён янгиланмагани кўрсатиб ўтилди. Шундан бери ўтган даврда табиий йўл билан янги ўрмонлар пайдо бўлган. Шу боис ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитасига ўрмонзорларни тўлиқ хатловдан ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

Тизимдаги муаммолардан бири шуки, 340 мингта объектнинг кадастр қиймати белгиланмаган. Шундан 200 мингдан зиёд объект бўйича солиқ ҳисобланмапти. Бундан ташқари, 1 миллиондан

ортиқ уй-жойнинг кадастр ҳужжати йўқ.

Шу муносабат билан Президент кўчмас мулк кадастри ҳисобини тўлиқ шакллантириш зарурлиги, бу солиқ солиш базасини кенгайтиришда муҳимлигини таъкидлади. Ундан келадиган маблағлар тўлиқ маҳаллий бюджетга тушади ва улар ҳисобидан ижтимоий масалаларни ҳал этиш мумкин.

Қуришдан бино-иншоотнинг кадастр жилдини тайёрлашга бўлган босқичларда ундирилган тўловлар асослигини ўрганиб, уларни камайтириш ва жараёнларни соддалаштириш бўйича топшириқ берилди.

Ер солиғи ҳисоблаш тизимини ҳам тубдан қайта қўриб чиқиш кераклиги айтилди. Хусусан, вилоят марказларига яқин, сув таъминоти яши бўлган ҳудудларда ҳам, ҳосилдорлиги паст жойларда ҳам ер солиғи деярли бир хилда ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда) ►

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлда қабул қилинган "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.



Йўл ҳаракати хавфсизлиги

ушбу соҳада йиғилиб қолган муаммолар — сенаторлар нигоҳида

Бу ҳақда фикр юритганда, авваламбор, 2019 йилда мамлакат бўйича жами 6 миллиондан ортиқ йўл ҳаракати қоидабузарлиги қайд этилганга эътибор қаратиш лозим. Жумладан, 3 миллионга яқин кўпўл қоидабузарлик, қарийб 35 минг ҳолатда транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, 350 мингдан ортиқ пёдалар қоидабузарлиги содир этилган.

Оқибатда 8 минг 588 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. Бунда 7 минг 943 нафар

фуқаро жараҳатланган ва 2 минг 96 нафар фуқаро ҳалок бўлган.

Афсуски, бундай вазиятларда қоидабузарликларни автоматик аниқлайдиган фото-ва видеосурма, шунингдек, онлайн режимида ишловчи фоторадарлар ўрнатиш билан боғлиқ ишлар суист олиб борилаётган. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимиз чорраҳаларидаги фото-ва видеосурма-ламарнинг қарийб 71 фоизи 2017 йилда ўрнатилган.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолигининг тарихий аҳамияти

2020 йил 13 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга — 2021-2023 йилларга сайланди. Мамлакатимиз учун БМТга аъзо 193 давлатдан 169 таси овоз берди. Бу сайловда энг кўп овоз берилган давлат Ўзбекистон бўлди.

Ушбу аъзоликнинг тарихий аҳамияти нимада?

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолигининг тарихий аҳамияти қуйидагилардан далолат беради.

Биринчидан. Бу — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мақсад этиб белгилагандек ва ўзи орзу қилгандек яшашга интилайётган, Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб берилган ёруғ истакларига яраша янгидан-



янги самараларга эришайётган янги Ўзбекистон халқи қўлга киритган яна

бир оламшумул ютқудир.

Иккинчидан. Бу — давлат раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш, халқаро майдонда мамлакат нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганининг ёрқин далолатидир.

(Давоми 2-бетда) ►

Конституциямизнинг 63-моддасида белгиланган ҳолда, "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади".

Сабоқ

Оила — улуг, никоҳ — муқаддас



унинг қонунчилиги ҳуқуқ ва манфаатлар кафолати бўлади

Мақола муқаддасидаёқ оила тотувлигининг мезони бўлган ушбу конституциявий тамойилни келтиришимиз бежиз эмас. Чунки Конституциямизнинг алоҳида бир боғи оилага бағишлангани ушбу конституциявий институтнинг ижтимоий мақоми Асосий Қонунимизда устуворлик касб этганидан далолат беради.

Оила жамият таянчи сифатида юрт иқболли ва истиқболлини белгилайди. Жамиятимизнинг ана шу асосий бўғини барча эзгу қадриятлар, хайрли ният ва мақсадлар, фаровонлик одимлари ундан бошланиб, ҳар бир оиладаги аҳиллик, ҳамжихатлик, яратиш ва бунёдкорлик, маҳаллалар, шаҳар ва туманлар, вилоятлар,

пировардида мамлакат равнақи ва саодатини белгилайди.

Шунинг учун ҳам оила муқаддас ҳисобланади. Ҳар бир оилада тотувлик барқарор бўлиши, оилаларнинг мустаҳкам бахт-икбол кўрғонига айланиши, Ватан ичра ушбу мўъжаз ошёнларда авлодлар бардавомлиги ва уларнинг оқилу комил, эл хизматида камарбаста қобил инсонлар бўлиб улғайиши кўплаб омиларга боғлиқ.

Бу омиларнинг энг биринчиси никоҳнинг қонуний расмийлаштирилишидир. Зотан, қонуний никоҳ тарафлар, яъни эр ва хотин зиммасига муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар юқлайди.

(Давоми 4-бетда) ►

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун

Она тили бу миллатнинг руҳидир

Тил — миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулки. Ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўзи ҳурмат ва эҳтиром қиладиган тилига эга. Тилда шу халқ, элатнинг тарихи ва маданияти акс этади.

Тил — ҳар бир миллат ўзликнинг ажралмас белгисидир. Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.

Айнан шу боис Ўзбекистон-



нинг мустақилликка эришиши остонасида давлат тилига ҳуқуқий мақом бериш масаласи устувор аҳамият касб этган. Натижада 1989 йил 21 октябрь кунини "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Қонунга асосан энг муҳим қадриятларимиздан бири ҳисобланган она тилимиз ўз мақомига эга бўлди. Бу қонун билан ўзбек миллатининг маънавиятини, руҳиятини, қадрини кўрсатадиган тилнинг ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, юртимизда оқилна ва холислик билан амалга оширилаётган тил сиёсати барча демократик тамойилларга мос келади. Бунини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасидаги "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавлари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиди", деган нормалар мисолида яққол кўриш мумкин.

(Давоми 3-бетда) ►



Оқлов

Тухматга учраган тафтишчи

ийгирма йилдан сўнг оқланиб, юзи ёруғ бўлди

Ҳаётда инсон ҳар қандай қийинчилик, синов ва машаққатларга чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка асло тоқат қилолмайди.

Шу маънода Наманган туманининг Ўлмас маҳалласида яшовчи 73 ёшли Саъдулла Турғунов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам сўнгги 20 йил мобайнида ўзига нисбатан қилинган ноҳақликдан азият чекиб келди.

Маълумки, Наманган шаҳар суди бошқа судлар қатори 2001 йилда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд сифатида иختисослашган. Мазкур суднинг 2000 йил 6 мартдаги ҳукмида қайд этилишича, Наманган ви-

лояти молия бошқармасида тафтишчи-назоратчи вазифасида фаолият юритган С.Турғунов 1999 йил 6 февраль куни Наманган шаҳар ветеренария бўлимида тафтиш ўтказди.

(Давоми 2-бетда) ►

Маълумки, Конституциямизнинг 44-моддасида "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади" дея қайд этилган. Юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида қатъият билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, ушбу конституциявий тамойил ҳар бир суд мажлисида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Қонун кўмаги

Ўн икки йиллик муаммо



Мисол учун айтганда, Фарғона шаҳрининг Саноат кўчасида истиқомат қилувчи Зулфия Собированинг бузилган ҳуқуқлари ҳам суд орқали тикланди. 3.Собирова сўнгги 12 йил мобайнида бир ноҳақликдан азият чекиб келаётган. Аниқроқ айтганда, шаҳарнинг Усмон Юсупов кўчасида жойлашган 5-сонли ҳовли-жой 3.Собировага тегишли эди.

Шу боис 2003 йил 18 сентябрда унинг номига РК№1-1544-сонли мерос гувоҳнома берилиб, 2003 йил 22 октябрда №0542822-рақамли гувоҳнома билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Аммо 2008 йилда 292 метр квадратдан иборат ушбу уй-жой на шаҳар, на вилоят ҳокими қарорисиз бузиб ташланган.

(Давоми 4-бетда) ►

«Бошланиши 1-бетда»

Никоҳ ҳатто қайнота-қайнона, қудалар, яқин қариндошлар зиммасига ҳам масъулият юклайди, десак, янглишмаймиз. Чунки улар никоҳнинг қонуний расмийлаштирилгани сабабли яна бир оила бунёд этилганини ҳис қилиб, умр ришталарини боғлаб, ахду паймон қилиб, олтин остонага қадам қўйган фарзандлари — зурриётларнинг мустақкам қўрғон барпо этишлари учун астойдил интиладилар.

Умуман, қонуний никоҳнинг жамият таянчи ва истиқболли бўлган оилалар мустақкамлигини таъминлаш ва унда аҳлиноқлик барқарор бўлишидаги аҳамияти катта.

Афсуски, шунга қарамай ҳаётимизда қонуний никоҳ аҳамиятини етарли даражада англамай ёки била туриб, шаръий никоҳ ўқиш ҳолатлари учраб турибди.

Бу эса, келгусида оилавий ҳаётда эр ёки хотин манфаатлари муҳофазасида муаммоларни вужудга келтиради. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминлашда жиддий тўсиқ ва муаммолар пайдо бўлишига олиб келади.

Табйир эса бўлса, оилавий ажримлар кўпайиши омилларидан бири ҳам айнан шаръий никоҳдир.

Муқаддас динимиз қадриятларида кўра, оилада иймон-этиқод, дину диёнат, поклик, ҳалоллик ва диний ақидалар барқарор бўлишида шаръий никоҳнинг аҳамиятини ифодалаш учун ортиқча изоҳнинг ҳожасти йўқ.

Аммо шаръий никоҳ ўқишга давлат органлари томонидан, яъни ФХДЭ идораларида қонуний никоҳ расмийлаштирилиб, келин-куёвга никоҳ гувоҳномаси тақдим этилганидан кейингина руҳсат берилишини асло унутмаслик керак. Бу қатъий қоида амалдаги қонунийлигимизда мустақкамланган.

Яна бир муҳим жиҳат ҳам борки, шаръий никоҳ ФХДЭ органи маълумотномаси кўрсатилгани

Сабоқ

Оила — улуғ, никоҳ — муқаддас

унинг қонунийлиги ҳуқуқ ва манфаатлар кафолати бўлади

дан кейингина ўқилади. Шаръий никоҳни Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан руҳсат этилган диний идора вакиллари — имом ва имом ноибига ўқиш ҳуқуқига эга.

Буни барча яхши билади. Айниқса, орамиздаги иймон-этиқоди мустақкам, диний илмга эга замондошларимиз бу тартиб-қоидаларнинг моҳиятини яхши англашлари шубҳасиз.

Бироқ...

Таассуфки, қонуний никоҳ расмиллашмагани била туриб, шаръий никоҳ ўқиш ҳолатлари кузатилади.

Учқўрғон туманининг Эшонтўпи маҳалласидаги Темурий кўчасида яшовчи отахон ҳам ёш эмас, олтишми қоралаб қолган. Айтмоқчимизки, бу фуқаро нима қонунга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини яхши билади.

Барини била туриб, у киши ўз ўғли билан келинининг шаръий никоҳини ўқиган. Суд мажлисида билдиришича, ҳеч қайси имом никоҳ ўқишга рози бўлмагани учун ўзи шундай қилишга мажбур бўлган.

Тўғри-да, диний идора вакиллари била туриб, қонунни бузишни истамайдилар.

"Норин" маҳалласи, Норин кўчасида яшовчи отахон ҳам 76 ёшида қонунга зид қилмиши учун суд залида ҳуқуқбузар сифатида жавоб беришга мажбур бўлди.

У киши ҳам диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиб, ҳамқишлоғи бўлган эркак ва аёлга қонуний никоҳ ўқиган. Маълум бўлишича, ёз кунларидан бирида кўшнисининг олдида маҳалладош сифатида ёрдам сўраб чиққан. Яъни ўғли олдинги турмушидан ажрашган, ҳеч қандай муаммо йўқлигини айтиб, бошқа бир



аёл билан турмуш қураётгани учун никоҳ ўқиб қўйишини илтимос қилган.

Бу гапларга ишонган мўйсифид қўшнисининг ўғлини ўзга аёл билан қонуний равишда, шаръий никоҳлаб қўйган. Энг ёмони, ўша йигит бошқа бир аёл билан қонуний никоҳда бўлган, ўртада бир нафар фарзанди бор. Аёли оилавий жанжал сабабли онасининг уйига кетиб қолган, холос.

"Оқтовлик" маҳалласи, "Пахтачи" кўчасида яшайдиган отахон ҳам ўз ўғлига никоҳ ўқиганлардан.

Ўғлининг қонуний никоҳдаги аёли оилавий жанжал сабабли ота уйига кетиб қолгани учун қозоқовуллик бошқа аёлга уйлантириб, ўзи шаръий никоҳ ўқиб қўя қолади.

У суд мажлисида айбига иқрор бўлиб, бошқа ҳеч бир имом никоҳ ўқишга рози бўлмагани учун шундай қилганини айтди.

Аммо бу баҳона қонуний никоҳ ўқиш учун асос бўлолмастлигини унинг ўзи ҳам яхши биларди.

Бундай қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдоридан жазоси тайинланди. Яъни уларнинг ҳар бири 2 миллион 230 миң сўмдан жазимга тортилди.

Эътибор берган бўлсангиз, маъмурий суд материаллари асосидаги мажбуз ҳолатларни баён этиш асосида ҳуқуқбузарлар ва никоҳланувчиларнинг исм-фамилияларини очик-шукора келтирмадик. Андиша қилдикки, суд залига келишининг ўзи ва ўз қилмиши оқибатини ўйламаслик уларга етарли сабоқ бўлган.

Ушбу ҳолатларни баён этишдан мақсад эса, ҳамюртларимизни оила муносабатларига, никоҳ масалаларига жиддий ва маъмурий билан қарашга ундаш, огоҳлик ва сабоққа қоралашдир.

Никоҳ ва оила муносабатлари борасидаги муаммолар, жид-

дий низолар, ажримгача бориб, мурасисизлик билан тугайдиган аксарият ноҳушликлар ҳам кўпинча никоҳни қонуний расмийлаштирмасдан туриб, фақат шаръий никоҳ билан кифояланган ҳолда турмуш қуриш оқиба-тида келиб чиқади.

Баъзан шундай ҳолатлар кузатиладики, шаръий никоҳ орқали ҳаётини боғлаб, хафта — ўн кун ёки бир неча ойгина яшаб, ажрашиб кетадиганлар ҳам йўқ эмас.

Омонат қурилган бундай оилалар ажрашганида ёки шаръий никоҳ асосида яшаб келган, ўртада бир ёки бир неча фарзанди бор тақдирлар айро тушганда, фуқаролик судларида бундай ишларни кўриш, томонлар манфаатларини қонун йўли билан муҳофаза қилиш, фарзандларнинг моддий таъминоти учун алимент белгилашда, мажбурий ижро органлари томонидан моддий таъминоти ёки мол-мулкни ажратиб, ундириб беришда, маъмурий судлар амалиётида моддий таъминотдан ёки бошқа бир ҳуқуқ ва мажбуриятлардан бўйин товланганлик ҳолатида қонуний чора кўришда муаммолар юзага келиши бор гап.

Шундай экан, унутманг, қонун — ҳуқуқ, муҳофаза ва қафолатдир. Қонунга амал қилиш нафақат оилавий муносабатларда, балки ҳаётдаги ҳар қандай вазиятда муаммоларга йўлиқмаслик, башарти, дуч келганингизда ҳам унга осон ечимлар топишга ҳизмат қилади.

Хулоса ўрнида яна бир қарра шаръий никоҳ ўқиш ваколати, ҳуқуқига эга бўлмасдан, бундан тийилмаётганлар ёхуд ФХДЭ органларининг расмий маълумотномасиз никоҳ ўқишга қўйилган бундай қилмиш жавобгарлика олиб келишини эслаб-ти утишни истардик.

Салоҳиддин ТУРСУНОВ,
Наманган вилояти маъмурий судининг раиси
Озоджон ЗИЯВУДДИНОВ,
Учқўрғон тумани маъмурий судининг раиси

Маълумки, ҳаётда инсоннинг юриш-туруши, обод-ахлоқи, керак бўлса, тақдирини ҳам ўзгартириб юборишга қодир бир туйғу бор. Бу — муҳаббатдир. Агар тарихга, тундалик ҳаётимизга назар ташласак, айни ҳис-туйғу сабаб қанчадан-қанча эзгуликлар ёки у билан қамшиш ёни-ён бўлган рашк туйғули бири иккинчисидан аянчли воқеалар юз берганига гувоҳ бўламиз.

Жорий йилнинг январь ойи охирида Учқўрғон туманида содир бўлган фожиали ҳодисани эса, ноўрин рашкнинг аччиқ "меvasи" дейиш мумкин.

Ушанда 16 ёшда бўлган Шахло Орифжонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бундан икки йил аввал — 2018-2019 ўқув йилида тумандаги 13-умумтаълим мактабининг 11-синфига бошқа мактабдан келиб қўшилганида, синфдошлари уни самийий қарши олишди. Аммо истараси иссиқ, тили ширин қиз ҳаммадан олдин 10-синфда ўқийдиган Зухриддин Ҳамидовнинг кўнглини ром этди.

Гарчи Зухриддин 10-синфда ўқиса-да, қиздан бир ёш катта эди. Шу боис у йигитларга хос дадиллик билан Шахлога дил изхори қилди. Табиийки, аксарият қизларга йигитларнинг ана шу дадиллиги ёқади. Ш.Орифжонова ҳам З.Ҳамидовнинг муносабатини рад этмади. Аксинча, тез орада у ҳам йигитга маҳлиё бўлди-қолди.

Шундан сўнг икки ёшнинг муносабатлари кун сайин, ой сайин кучайиб боради. Уларнинг бирга ўтказган дамлари турли ахду паймондан, келажак орзулари ва қуюқ ваъдалар билан кечарди. Хуллас, ишқ дарди инкалласининг ҳам кўзини кўр, қулোগини кар қилиб қўйганди. Бироқ...

Бироқ 2019 йилда Шахло мактабни ташлаб, ошик-маъшукнинг ҳаловати бузилади. Негаки, қизнинг эшигини сови-члар тақиллатиб кела бошлади.

Тўғри, Зухриддин ҳам унга уйланишини доим айтиб келади. Лекин ўзидан олдин уйланадиган акаси бор эди-да. Бинобарин, йигит бояқш чорасиз қолади. Ҳатто, ота-онасига ҳам қизни севдишини, унга уйланиш нияти борлигини айт-толмайди. Фақатгина эгизак синглиси Захро уларнинг муносабатидан бохабар эди, холос.

Шундай қунарларнинг бирида Шахло-нинг тоғаси Фуқратжон Низомов Зухриддин ўзининг жияни ортидан юрганини

эшитиб қолади.

— Агар жиянимни яхши кўрсанг, ния-тинг жиддий бўлса, совчиларингни юбор!, — дея шарт қўяди тоға бўлмиш.

— Менинг уйланадиган акам бор. Шунинг учун ҳозир совчи юборолмайман, — дейди бунга жавобан Зухриддин.

— Ундай бўлса, Шахлони тинч қўй. Биз сени қутиб, уни икки-уч йил олиб ўтиролмаймиз.

Шундан сўнг — ўтган йил декабрь ойида хонадон катталари қизни қўшни Наманган туманида яшовчи, 1994 йилда ту-ғилган Латифжон Шерматовга унашти-

дан узокроқда бўлса, уни тезроқ унутар", деб ўйлайди Маҳбуба опа ана шундай қунарларнинг бирида. Сўнг ойназор 2020 йил 22 январь кун Ш.Орифжонова у юмуш-ларига қўмаклашиш баҳонасида Наман-ган шаҳридаги қариндоши Хадича Вали-жоновани хонадонига жўнатиб юбо-ради.

Лекин уяли телефон, телеграм дея аталган бугунги куннинг энг қулай алоқа воситалари ошик-маъшукнинг айрили-гига озми-кўпми далда бўлиб туради. Орадан бир хафта ўтиб, Ш. Орифжоно-ва шаҳардан қайтаётганида З.Ҳамидов-

худди шу гапни қутиб тургандек эди. Не-гаки, йигит сўнги кунларда Шахлонинг Латифжон билан бирга бўлишини ўйлаб, рашк азобидан ухлолмай чиқаётганди. Бинобарин, қизнинг гапи унга энг тўғри йўл бўлиб туюлади.

Оқибатда у иккала пичоқдан бирини олиб, маъшукасининг кўкрак қафасига 5 марта таба аёвсиз санчади. Кейин жиноий қилмиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан фош этилган тақ-дирда, гўёки айбини енгиллаштириш учун қўлидаги пичоқни ўзининг юрак со-ҳасига 2 марта таба уриб, енгил тан жа-роҳати етказди. Аммо ўз жонига қасд қилолмай, воқеа жойидан яширинади.

Тасодифий қарангки, ўша кун соат 16:20 атрафида Қозоқовул маҳалласида яшовчи Камолитдин Қорабоев ва Улуг-бек Усмонов Тўдаариқ канали бўйидан ўтиб кетаётиб, қонга беланиб ётган Ш.О-рифжоновани кўриб қолади. Улар боғбон Абдухалил Нурматов билан бирга ҳудуд профилактика инспекторига хабар бери-шади.

Пировардида қотил тунги соат 02:00 ларда Ўлжатаўли маҳалласи қабристони-да яшириниб юрган маҳали ушланди.

Мажбуз қотиллик жиноят ишлари бўйича Норин туман судида кўриб чиқил-ди. Суд мажлисида З.Ҳамидов айбига иқрорлиқ барибариди, ўз севгилисини ўлдириб қўйганидан қаттиқ пушай-монлигини билдирди. Шу боис суд уни Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, узок муддатда озодликдан маҳрум этди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жаб-рланувчиларнинг қонуний вакили М.Ориф-жоновани суд мажлисида моддий ва маъ-навий зарарни ундиришдан ихтиёрий воз кечганилини маълум қилди. Шунга қарамай, унга келгусида айна масалада фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Албатта, бу мудҳиш воқеа ҳақида ҳар қим ҳар хил фикрлаши мумкин: қимдир севги оташида ёнган ошик-мошиқларни қоралайди, қимдир оқлаши ҳам мумкин. Ҳақиқат шундаки, агар катталар, хусусан, ота-оналар уларнинг кўнглига қулоқ ту-тишиб, муҳаббат аталмиш соф туйғуга қарши чиқмасдан, баамаслаҳат иш тутиш-ганида шу фожа содир бўлмастлиги, ак-синча, ёшлар ҳаётда бахтли яшашлари мукаррар эди. Бу мавзу жиддий ўйлаб кўришни тақозо қилади. Ва кимларгадир ибрат бўлиши ҳам мумкин. Зеро, "Би-ровнинг хатоси — бошқага сабоқ", — деб шунга айтсалар керак.

Жасурбек ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Норин тумани судининг раиси

Қонун кўмаги

Ўн икки йиллик муаммо

судда қонуний ва адолатли ечим топди

«Бошланиши 1-бетда»

Натижада уй-жойнинг қиймати ҳам тўлаб берил-маган, унга мутаносиб ра-вишда ер майдони ҳам ажратилмаган. Фақатгина Фаргона шаҳар ҳокимли-гининг шаҳарозлик қури-лиши кенгашининг 2009 йил 5 июндаги йиғилиши баёнига асосан, Усмонов Юсупов ва Қори Ниёзий кўчалари кесимида бўзилган турар ҳамда но-турар бино-иншоотлар эгаларига ер майдонлари ажратилиши белгилан-ган, холос. Шунга биноан, Зулфия Собировага ҳам 48 метр квадрат ер ажра-тилиши қайд этилган.

Ҳатто 2012 йил 12 сентябрда Фаргона ви-лоят "Ермулкдаст" дав-лат корхонасининг Фарго-на шаҳар филиали то-монидан юқоридаги йиғи-лиш баёни асосида ҳуж-жатларни расмийлашти-риш юзасидан шаҳар ҳокимлигига 1688-сонли алоқа хати ҳам юборил-ган. Бироқ ҳар иккала ҳуж-жат ижроси таъминлан-маган.

Шуни алоҳида таъкид-лаш лозимки, ўтган ўн икки йил мобайнида З.Со-вбирова турли идораларга қайта-қайта мурожаат қил-масин, барибир муаммо хал бўлмаган. Хусусан, у Фаргона шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилиб, шусуда амалий ёрдам сўради.

Шундан сўнг шаҳар ад-лия бўлими томонидан З. Собированинг манфаати-ни қўлаб, Фаргона шаҳар маъмурий судига шикоят ариза киритилди. Фарго-на шаҳар адлия бўлими-нинг аризасида Фаргона шаҳар ҳокимлиги томони-дан Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2006 йил 29 майдаги қарори билан тақдирлан-ган "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участ-калари олиб қўйилиши муносабати билан фуқа-роларга ва юридик шахс-ларга етказилган зарар-ларни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом" (маз-кур қарор Вазирлар Маҳ-камасининг 2019 йил 16 ноябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаш-тиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги қарорига асосан, 2020 йил 1 январдан ўз қу-чини йўқотганнинг бир неча бандлари бузилгани қайд этилиб, шаҳар ҳо-кимлигининг ҳаракатсиз-лигини қонунга хилоф деб топиш ҳамда ҳокимлик зиммасига З.Собировога бузилган ҳовли-жойнинг ер майдонига тенг қий-матдаги — 292 метр квад-ратдан иборат ер майдо-нини ажратиш мажбурия-тини юклаш тўғрисида қарор қўлиб қилди.

Шу тарихга суд қарори билан фуқарони йиллар мобайнида қийнаб келган муаммо ечим топди. Энди эса, Фаргона шаҳар ҳо-кимлиги суд қарори иж-росини таъминлаш бўл-ди. Зеро, Бош Қомусимиз-нинг 114-моддасида таъ-кидланганидек, суд ҳоки-мияти чиқарган ҳужжат-лар барча давлат органла-ри, жамоат бирлашмале-ри, корхоналар, муассаса-лар, ташкилотлар, ман-сабдор шахслар ва фуқа-ролар учун мажбурийдир.

Салиҳон ҚУРБОНОВ,
Фаргона шаҳар
маъмурий судининг
раиси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигига 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ	Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Робохон МАХМУДОВА	Надирбек САЛАЕВ
Икром МУСЛИМОВ	Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ	Олим ҲАЙИТОВ
Бахтиёр ИСАКОВ	Азиз МИРЗАЕВ
Светлана АРТИКОВА	Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор
ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод
ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1023. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 5010
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 22³⁰.